

Халқ сўзи

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

2021 йил 11 февраль, № 30 (7810)

Пайшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ДАВЛАТ ИДОРЛАРИ ДАСТУРДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ ҚУНТ БИЛАН, ИЛМ БИЛАН, АҚЛ БИЛАН БАЖАРСА, КЕСКИН ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 10 февраль кuni «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили» Давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, 2021 йил мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили» деб эълон қилинган эди. Шу борада тайёарланган дастур лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, 2 мингдан зиёд тақрифлар, фикр-мулоҳазалар олинди, улар асосида қайта ишланиб, янада бойитилди.

Ушбу тақомиллашган Давлат дастури Президентимизнинг жорий йил 3 февралдаги Фармонида муроффиқ қабул қилинди. Унда 273 та банд бор. Бу чора-тадбирларни бажариш учун қарийб 30 триллион сўм, 2 миллиард 600 миллион АҚШ доллари ва 57 миллион евродан зиёд маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Умумлаштириб айтганда, Давлат дастурининг асосий мақсади — ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли ўрталарида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини оширишга қаратилган.

— Бу дастурни ҳануз давом этаётган пандемия шароитида, глобал инқироз кучайиб бораётган муроқаб бир вазиятда амалга оширишимизга тўғри келади. Хар қанча қийин бўлмасин, 500 минг нафар ёш ва 200 минг аёлни иш билан таъминлаш ҳамда 300 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш лозим. Агар маҳалла ваълат идоралари дастурдаги вазифаларни қунт билан, илм билан, ақл билан бажарса, кескин ўзгариш бўлади, — деди Президент.

Шу билан бирга, ривожланишдан ортда қолаётган 33 та туман ва оғир ахволдаги 970 та маҳалланинг йўли, ичимлик суви ва электр таъминоти, ирригация тармоғини яхшилаш, тиббиёт ва таълим тизимидagi ислохотларни энг узок қишлоқларга

етказиш зарурлиги қайд этилди.

Бунинг учун Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва тармоқ раҳбарлари, ҳоқимлар ва сектор бошлиқлари дастур ижросини туман ва маҳаллага тушиб ташкил этиши, ресурслардан оқилона фойдаланиб, тартиб-интизом билан қаттиқ меҳнат қилиши талаб этилади.

— Раҳбар кўп, масъуллар кўп, лекин халқнинг дарди билан шуғулланадиган одам йўқ. Ҳамма қарорларни бажарса бўлади. Энг катта камчилик — назорат йўқ, вазирлар, ҳоқимлар ўзини қийнамади, — деди Президент.

Видеоселектор йиғилишида Давлат дастуридаги иккита катта йўналиш — иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳаларга оид вазифалар ҳақида сўз борди. «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили» Давлат дастурида иқтисодиётни ривожлантириш бўйича 113 та чора-тадбир белгиланган. Бунда энг катта эътибор янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган.

Хусусан, ўз ишини бошламоқчи бўлганларга 7 миллион сўмга қўрсатма субсидия, касбга ўқимоқчи бўлган эҳтиёжманд аҳолига 1 миллион сўмдан компенсация берилиши кўзда тутилган.

Мутасаддиларга ушбу маблағларни ажратиш тартибини тасдиқлаб, теъроқ амалиётга киритиш бўйича қўрсатма берилди. Бу орқали биринчи ярим йилликда 10 минг нафар, илгари якунигача жами 20 минг нафар аҳолини иш билан таъминлаш мумкин.

Маълумки, деҳқончилик билан шуғулланишни истаган ёшларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер ажратиб бoшиланади. Давлатимиз раҳбари бу жараёнда адолат ва халоплик бош мезон бўлиши, жамоатчилик фикри инобатга олиниши зарурлигини таъкидлади.

Оилавий тадбиркорлик учун ажратиладиган 6 триллион сўмлик

кредит маблағларини самарали йўналтириш, хар бир маҳалланинг «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб, тадбиркорлик салоҳиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Жорий йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 226 та ийрик саноат ва инфратузилма объектларини ишга тушириш белгиланган. Давлатимиз раҳбари бу борадаги барча жараёнларни доимий мониторинг қилиб бoриб, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Қоракўрғоннинг Республикаси ва вилоятларда 22 та ийрик зибрат объекти атрофини ободонлаштириш ва инфратузилмасини яхшилаш режалаштирилган. Шунингдек, авиаташуви-чиларга ички туризм йўналишларидаги авиачипта нархининг 25 фоизини, туроператорларга ҳаво ва темир йўл чипталари нархининг 15 фоизини ҳамда меҳмонхона хизматлари нархининг 10 фоизини қайтариш тартиби жорий этилади. Ушбу янги механизмлар орқали жорий йилда 1,7 миллион нафар хорижий ҳамда 7,5 миллион нафар ички туристларни жалб қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Давлат дастурида белгиланган бунёдкорлик ишлари қўлами ҳам кенг. Жумладан, илгари якунига қадар 10 минг километрдан ортқк ички ва қишлоқ йўлларини таъмирлаш, 15 минг километр электр тармоқлари ҳамда 4 мингта трансформаторни янгилаш, 700 дан ортқк аҳоли пунктларига тоза ичимлик суви етказиш вазифаси белгиланган. Шаҳарларда 21 мингта, қишлоқларда 8 минг 800 та уй-жойлар барпо қилиш режалаштирилган.

Йиғилишда ушбу чора-тадбирлар худудлар кесимида муҳокама қилиниб, мутасаддиларга қўшимча қўрсатмалар берилди. Коммунал хизматлар тизимини янада яхшилаш, кўп қаватли уй-жой фондини ва лифтверни таъмирлаш, кўприкларни реконструкция қилиб, кадас-трини яратиш зарурлиги таъкидланди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари жойлардаги «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб, шакллантирилиши ҳамда маҳаллий Кенгашларга киритилиши белгиланди.

Жорий йилда жами 320 минг гектар янги ерларни қайта фойдаланишга киритиш ҳамда уларга экинларни оқилона жойлаштириш, насос станцияларини реконструкция қилиш ва сувни тежаш бўйича топшириқлар берилди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида гўшт, сут, тухум ва балик маҳсулотларини кўпайтириш, бунинг учун жорий йилда қиймати 6 триллион сўмлик 1 минг 500 та янги лойиҳани ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлат дастурида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тиббиёт, таълим ҳамда бошқа гуманитар соҳаларни ривожлантиришга қаратилган 93 та банд бор. Видеоселектор йиғилишида уларнинг энг муҳимларига тўхталиб, ижросини таъминлаш чоралари белгиланди.

Болаларни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиб, унга бюджетдан 2005 миллиард сўм ажратилди, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари грантларини жалб қилиш бўйича қўрсатма берилди. Жорий йил 1 сентябрга қадар Меҳрибонлик уйлариининг муҳтож битирувчиларини уй-жой билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Яна бир қўлайлик — бу йил 1 июндан бошлаб, пенсия таяинида 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажини шахсининг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар асосида, тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисоблаш тартиби жорий этилмоқда. Бунинг натижасида илгари якунига қадар 100 минг, келгуси йилда яна 200 минг фуқаро ортққа сарсон бўлмаи пенсия олиш имкониятига эга бўлади.

Жорий йилда бюджет ҳисобидан 22 та болалар богчаси ва 31 та янги мактаб қуриш, хар бир туманда физика фанига иктисослаштирилган

биттадан мактаб ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Аҳоли саломатлиги ҳақида сўз бoрар экан, коронавирусга қарши эмлаш бошланиши айтилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигига биринчи навбатда эмланиши зарур бўлган аҳоли тоифасини белгилаб, электрон рўйхатини шакллантириш, оилавий поликлинника ва қишлоқ шифокорлик пунктларидаги 3 мингдан зиёд эмлаш бўлимлари ва қўшимча 800 та мобил бригада ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Маданият марказлари, музейлар ва театр биноларини таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш бўйича қўрсатмалар берилди.

— Давлат дастурида асосий мақсад қоғоз ёки ҳисобот эмас, балки амалий натижаларга эришиш, одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилиш. Бунинг учун хар бир раҳбар ўз фаолиятида натижа қўрсатиши зарур ва шарт, — дея таъкидлади Президент.

Йиғилишда вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари Давлат дастурини ўз худудига амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши, Адлия вазирлиги дастуриинг хар бир банди ижроси бўйича туманбай назорат ўрнатиши зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси хар ойда дастур ижросини танқидий муҳокама қилиб, вазифаларинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишига қўмақлашади. Олий Маҳлис палаталари хар чорақда Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиш ҳамда бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақрифлар бeради.

Видеоселектор йиғилишида Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, ҳоқимлар Давлат дастури ижросини ташкил этиш режалари юзасидан ахборот берди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АФГНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 февраль кuni Афғонистон Ислои Республикаси Президенти Ашраф Фани билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президент Ашраф Фани давлатимиз раҳбарига Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклаш масалаларида қўрсатилмаётган хар томонлама қўмақ учун биродар Афғонистон халқи номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ҳамда етакчи халқаро молиявий институтларнинг юқори даражадаги вакиллари байрам тадбирларида Ўзбекистон делегацияси иштирок этиши юзасидан келишувга эришилди.

Булажак олий ва юқори даражадаги тадбирлар ва мулоқотлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар «Йўл харитаси» ва устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиш ва самарали илгари суриш мақсадида қўшма ҳукумат гуруҳини шакллантириш топшириғини бердилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон етакчиларининг телефон орқали мулоқоти хар доимигидек очиқ, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА.

Давлат дастури: ИСТИҚБОЛДАГИ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Сийсий партияларнинг Олий Маҳлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиқиб, истиқболда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олмоқда.

Фракцияларда

Чунончи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, мазкур дастурда акс этган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда ЎзЛиДеП ва унинг парламентдаги фракцияси зиммасига ҳам катта масъуляти юкляди.

Бинобарин, ЎзЛиДеП Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ва инвестиция киритиш учун энг жозибодор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш, худудларда тадбиркор-

ликнинг равнақига хизмат қилувчи инфратузилмаларни хар томонлама тақомиллаштириш, истиқболдаги ривожланиш стратегияларини белгилаш, шу мақсадда оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш тарафдорли. Партия бу борада кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

➡ 2

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 27 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 5 февралда маъқулланган

1-модда. 30 июль Халқлар дўстлиги кuni этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 10 февраль
№ УРҚ—672

МИЛЛАТНИ АСРАШ УЧУН ҚУРАШ

Апрель ойига мўлжаллаб қўйган мақоламизнинг баҳонаю сабабларини кўнгила тугиб, мавзунини мянда айлантира бошлаганимизга анча-мунча бўлиб қолганди. Унда найсонда туғилган Амир Темур, Абдулла Қодирий ва сўнги йиллар воқелигимиз омилиларини уйғунлиқда таҳлилламақчи эдик. Бироқ орага суқилган «тожли» оғу (лотинчадаги «vitus» ўзбекчада «оғу, захар» дегандидир) ўлароқ туғилган муҳит манзарасида унга ҳам тўхталишга жазм қилдик.

Нуктаи назар

Очигини айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллатимиз ва давлатимиз борлиги билан боғлиқ айрим масалалар ҳақида куюнаётиб, бу тасо-дифми ёки қонуниятим, саво-лини ўртага ташлаганидан бери камина уйларида ҳоло-ват йўқолган-қўйган. Негаки, юки ўта оғир бу сўроққа жа-воб истаб қилинган мушоҳа-даларнинг қийнови жуذا қаттиқ кечмоқда. Уйлаб-уйлаб топганларингнни тан олишдан

туғилган азоб-укубатни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Темурбек сиққон йилда, ҳижрий 736 йилнинг 25 ша-бон кечаси туғилган яхши маълум. Замонавий тақвимда мазкур сана 1336 йил 8 ап-релга тўғри келади. Лекин ни-магадир, биздаги барча рас-мий, илмий ва оммабоп ман-баларда 9 апрель деб кели-нади. Соҳибқироннинг туғилган қишлоғи масаласи ҳам илмда зуил-кесил ечилган эмас.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги беш йилда замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назорат қилиш ва ижросини текшириш шакллари тақомиллаштириш, талабчан-ликни кучайтириш борасида амалга оши-рилган муайян ишлар ва давлат бошқару-ви органлари раҳбарларини ҳамда худудлар ҳоқимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар муроқаб шароитларда давлат қурилишининг серқирра вазифаларини амалга ошириш, иқтисодий ва ижтимоий ислохот-ларни чуқурлаштириш таъминлаш, рес-публикани барқарор ҳамда жадал ривож-лантириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, танқидий таҳлиллар ижро интизоми самарасиз даражада экан-лигидан далолат берадиган қўллаб қолат-лар мавжудлигини қўрсатмоқда. Жумла-

дан, биринчи — киритилмаган ҳужжатлар худудлар кесимида муҳокама қилиниб, мутасаддиларга қўшимча қўрсатмалар берилди. Коммунал хизматлар тизими-ни янада яхшилаш, кўп қаватли уй-жой фондини ва лифтверни таъмирлаш, кўприкларни реконструкция қилиб, кадас-трини яратиш зарурлиги таъкидланди.

бўгинлари мутахассисларига нисбатан ли-берал муносабатда бўлинмоқда.

Айрим Бош вазир ўринбосарлари, ва-зирлар, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоятлар, айникса, туман ва шаҳарлар ҳоқимлари қўрсатиб ўтилган ва бошқа камчиликларни бартараф этишни тегишли даражада теъроқ, қатъий ва са-марали таъминламайти. Шу сабабли, мамлакатни, иқтисодиёт тармоқлари ва иж-тимоий соҳани, шунингдек, худудларни жа-дал ривожлантириш борасидаги бир қатор устувор ва истиқболли вазифаларни амал-да хал қилиш бўйича қўшимча шошилинч чоралар қўриш, шу жумладан, захиралар ва бюджет маблағларини топиш талаб этилмоқда.

(Давоми 2-бетда). ➡➡

КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ: ИМКОНияТ ВА ҲАРАКАТЛАР ҚАНдай НАТИЖА БERAДИ?

Бу дунёда хар қандай мушкул ишининг ечимин бор. Ҳамма гап масалага тўғри ёндашувда! Муаммони оқилона ҳал этиш учун эса, энг аввало, унинг мавжудлигини тан ола билиш лозим. Қаранг, бир неча ўн йиллар давомида мамлакатимизнинг иқтисодий танг ахволини ўтиш даври қийинчиликларига

Тахлил ва таққос

Ойлик ва нафақанин ошгани ечим эмас

«Касални яширсанг, иситмаси ош-кор қилади», дейди халқимиз. Холи-санилиб айтганда, мамлакатимизда камбағаллик кўп йиллар давомида «ёпиқ мавзу» бўлиб келди. Бу кате-

боғладик. Бахт-саодатга моддий фаровонлик билан эмас, биринчи навбатда, маънавий етуқлик орқали эришилади, деган ақидага шунчалик маҳкам ёпишиб олдикми, охир-оқибат давлат ҳам, жамият ҳам муаммолар гирдобига ботиб кетди. Ниҳоят, вақт ўтиб англаб етганимиз шу ҳақиқат бўлди: инсон оддий минимал яшаш шароитсиз бахт тугул, хотиржамликка ҳам эриша олмас экан.

гориининг ўрнига «кам таъминланган-лик», «аҳтӣёмандлик» деган тушу-нчалардан фойдаландик. Лекин нати-жа қандай бўлди? Камбағаллик да-ражаси камайиб қолдимми?

Тан олайлик, кейинги тўрт йилдаги очиклик сийсати туфайли «қозонда бoри чўмичга чикди». Халқ билан му-лоқотнинг самарали механизми йўлга

қўйилгач, ҳақиқий аҳвол, яъники одамларнинг аслида қандай ҳаёт ке-чираётгани, уларнинг энг оғриқли нуқталарни ошкор бўла бошлади. Урганишлар натижасига кўра, худудларда, айникса, қишлоқ жойлар-да аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмас. Дунё-нинг бошқа мамлакатларидаги син-

гари бизда ҳам камбағал қатлам мав-जूд. Улар тахминан 12 — 15 фоизни ташкил этиши ҳам раст. Бу 4-5 мил-лион нафарга тенг одам дегани! Қаранг, ана шу юртдошларимизнинг бир кунлик даромади ўтган йил бо-шида Президентимиз қайд этганидек, 10 — 13 минг сўмдан ошмас экан.

Хўш, энди нима қилмоқ керак? Бу савол жавобини давлатимиз раҳбари-нинг ўзи содда ва равон қилиб айтиди: «Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппа-сига кредит бериш, дегани эмас. Бу-нинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини оши-риш, одамларда тадбиркорлик ҳисси-ни уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли да-воланиш, манзилли нафақа тўлаш ти-зимини жорий қилиш керак».

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ РАЎБАРАЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, мамлакат Олий Мажлисига 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномада, шунингдек, 2016 — 2021 йилларда тасдиқланган тармок ва ҳудудий ривожланиш дастурларида белгиланган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эътибори улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори талаблари ўз вақтида, аниқ ва тўлақонли амалга оширилиши юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмаганига қаратилсин.

2. Куйидагилар: қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари (кейинги ўринларда — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар) бажарилишининг таъсирчан тизимини яратишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги, ижро интизомини сусайтириб юборганлиги ва қадрларга нисбатан талабчанлик қилмаганлиги учун соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, олий ва ўрта махсус таълим вазирлари, айрим давлат қўмиталари ва агентликлари раҳбарлари, шунингдек, 25 та туман ва шаҳарлар ҳокимлари эғаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг қарори билан давлат бошқаруви органлари ва Ҳукумат апарати таркибий бўлинмаларининг бир қатор раҳбарларига интизомий жазо чоралари қўлланилганлиги, шу жумладан, “хайфсан” эълон қилинганлиги, уларнинг айримлари эғаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларини пухта ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига теzkор етказиш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва истиқболдаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича шоямлинч ҳамда теzkор чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг ташкилий, ижро ва назорат фаолиятининг ягона тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Куйидагилар: Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби 1а — 1д-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси апарати, давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг ишлари ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;

“Йўл харитаси” ижро интизими идоралараро ягона электрон тизимига қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш схемаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ушбу Фармонга 1 — 3-иловаларда белгиланган талабларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва натижалли бажарилиши учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин, бунда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича куйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилсин: биринчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топши-

риқлар лойиҳалари тайёрланиши устидан шахсий назоратни ташкил этиш, уларнинг пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини, ваколатли давлат бошқаруви органларида ўз вақтида келишилганини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси бўлинмаларида ва Бош вазир ўринбосарлари ҳузурига ҳимоя қилинишини таъминлаш;

иккинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижрочиларга теzkор етказилиши, шу жумладан, уларда қўйилган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик ва аҳоли ўртасида тушунтирилиши, назорат бандлари ва топшириқларда аниқ механизми, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича “Йўл хариталари” (ҳаракат режалари) ўз вақтида ишлаб чиқирилиши устидан шахсий назоратни таъминлаш;

учинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этиш, бунда марказий аппаратларда, тармок ва ҳудудий давлат бошқаруви органларининг ўрта ва куйи бўлинмаларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга, эришилган пировард натижаларга, камчиликлар ва муаммоларнинг сабабларига, фойдаланилмаган захираларга, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ҳокимликларнинг ташкил этилаётган электрон маълумотлар базаси асосида “Йўл харитаси” ижро интизими идоралараро ягона электрон тизимда (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратиш;

тўртинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳамда уларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинаётган чора-тадбирларни тушунтириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида шахсий фикр-мулоҳазаларни билдириш, жамоат ташкилотлари ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказиш, шунингдек, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгаши раислари сессияларида ҳисобот бериш амалиётини жорий этиш;

бешинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида, тўлиқ ва натижалли ижро этилиши шахсан танқидий таҳлил қилинишини таъминлаш, олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва мўлжалланган мақсадларга эришиш. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, ҳудудларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Ҳукумат қарорларини талаб этидиган муаммолар масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш.

6. Бош вазир ўринбосарлари, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бир ҳафта муддатда ушбу Фармон талаблари сўзсиз ва ҳар томонлама амалга оширилиши юзасидан аниқ ҳаракатлар режалари пухта ишлаб чиқирилиши ва коллегиял органлар мажлисларида тасдиқланишини таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда аниқ вазирлик-рда ҳамда вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари мисолида давлат органлари ва ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича “Йўл харитаси”-ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан, шу жумладан, Ҳисоб палатаси билан биргаликда соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишлари олиб бориш ва жойлардаги ҳолат мониторингини юритиш;

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини “Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда” рунки остида жамоатчилик назорати воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда, шу жумладан, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Тараққиёт стратегияси” маркази иштирокида ёритиш ва муҳокама қилиш ишларини ташкил этиш ва янада жадаллаштириш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг амалда бажарилишига тўққинлик қилаётган муаммолар ва омиллари аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича тегишли вазирлик ва

идоралар олдига аниқ масалаларни қўйиш, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очкилигини таъминлаш, соҳага хос бўлмаган, такрорланувчи вазифа ва функцияларини қисқартириш, уларда ортиқча қоғозбозлик ва мажлисбозликка йўл қўймаслик юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларига қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси юзасидан ҳуқуқий-услубий кўмаклашиш, уларнинг тегишли бўлими раҳбарларини ижро интизомига риоя этилиши бўйича ўқитишда иштирок этиш.

8. “Йўл харитаси” тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг мазкур Фармонга 3-иловада келтирилган тартибга мувофиқ қуйидагиларни назорат тутувчи мулақо янгилар тизими жорий қилинсин:

а) Адлия вазирлиги: қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида ижро этилишининг “Йўл харитаси” тизимида назоратини олиб боради ва “Йўл харитаси” тизимини юритади;

“Йўл харитаси” тизимида назоратга олинадиган топшириқларни киритади, мазкур топшириқлардан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини белгилайди, улар томонидан киритилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган ижро муддатларини узайтириш ҳақидаги таклифлар асослигини ўрганади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

Белгилансинки, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан “Йўл харитаси” тизимига зарур маълумотларни ўз вақтида киритмаслик ёки нотўғри маълумотларни киритиш, шунингдек, бу борада Адлия вазирлиги кўрсатмаларини ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслик қонунчиликка мувофиқ интизомий, маъмурий ва бошқа жавобгарлик чораларини кўлаш учун асос бўлади;

б) Вазирлар Маҳкамаси:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар Вазирлар Маҳкамаси тизимидаги давлат бошқаруви органлари, ҳўжа-лик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз вақтида ижро этилишининг “Йўл харитаси” тизимида назоратини олиб боради, ҳар ойда Раёсат мажлисларида уларнинг ижроси натижадорлигини кўриб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига тегишли таклифлар билан биргаликда умумлаштирилган маълумот киритади;

